



## ГЕРМАНИЯ БОШЛАНҒИЧ ВА ЎРТА ТАЪЛИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Астонова Гўзалхон Рахмоналиевна<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Фарғона давлат университети немис тили ўқитувчиси

[g.astonova1989@gmail.com](mailto:g.astonova1989@gmail.com)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5776783>

### MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 01-Dekabr 2021

Ma'qullandi: 05-Dekabr 2021

Chop etildi: 10-Dekabr 2021

### KALIT SO'ZLAR

Германия, таълим тизими, бошланғич таълим, мактаб, федерал ўлка, асосий мактаб, реал мактаб, гимназия.

### КИРИШ

Бугунги кунда ҳар бир мамлакатнинг жаҳондаги ролини ва инновацион ривожланишини кўрсатишда таълимга бўлган эътибор катта аҳамият касб этмоқда. Германия ўзининг таълим тизими ва бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар билан дунё мамлакатлари ичида ажралиб туради. Германиянинг таълим тизими 4 босқичдан иборат бўлиб, мақолада Германия таълим тизимининг дастлабки икки босқичи ҳақида фикр юритилган. Бошланғич ва ўрта таълимнинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган.

### АСОСИЙ ҚИСМ

### ANNOTATSIYA

Мақолада Германиядаги бошланғич ва ўрта таълим тизимининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида фикр юритилган. Бошланғич ва ўрта таълимдаги мактаб турлари ёритиб берилган.

### Биринчи (Primarbereich).

Германияда таълимнинг биринчи босқичи ўз ичига бошланғич мактабларни қамраб олади. Кўпгина федерал ўлкаларда болалар 6 ёшдан бошлаб мактабларга боради. Мавжуд қоидаларга кўра бошланғич мактаб таълими 4 йиллик ҳисобланиб, Берлин ва Бранденбург ўлкаларида эса 6 йиллик этиб белгиланган.

Бошланғич мактабларда ўқувчилар ўз қобилиятларини ривожлантиришлари ва уларни “яхши ўзлаштирадиган” ва “паст ўзлаштирадиган” деб ажратмаслик мақсад қилиб олинган. Шунга кўра, биринчи икки йилда ва кўп ҳолларда



ўқувчиларга баҳо қўйилмайди, балки уларга оғзаки баҳолар бериб борилади.

Бошланғич мактаблар тез-тез педагогикада инновацияларни жорий этишига ўз ҳиссасини қўшади. Ўқитувчиларни тайёрлаш соҳасида педагогик қизиқишлар ортганини кўриш мумкин. “Педагогика” фани биринчи босқич таълими учун ўқитувчиларни тайёрлаш йўналишларида бошқа таълим босқичлари учун ўқитувчиларни тайёрлаш(қўшимча кўмак берувчи мактаблар ва махсус мактаблардан ташқари) йўналишларига нисбатан кўпроқ ўқитилади.

**Иккинчи босқич I (Sekundarbereich I).** Иккинчи босқич I таълими йўналтириш босқичларини ва тўлиқ умумий ўрта мактабларнинг юқори синфларини, асосий мактаб, реал мактаб ва иккинчи босқич I гимназиялари ва бирлаштирилган мактабларни тўлиқ қамраб олади. Иккинчи босқич I таълими асосий мактабни битирганлик ҳақида гувоҳнома ёки умумий ўрта мактаб таълими аттестати билан яқунланади. Охирги гувоҳнома гимназиянинг юқори синфларида ўқиш ҳуқуқини бериш учун етарли малакаларни беради.

Йўналтириш босқичи 5 ва 6-синфларни қамраб олади ва у кейинги мактабларда (мактаб турига боғлиқ бўлган йўналтириш босқичи) ёки ундан ажралган ҳолда(мактаб турига боғлиқ бўлмаган йўналтириш босқичи) амалга оширилади. Йўналтириш босқичи ўқувчиларнинг кейинги мактаб ҳаётига йўналтиришга

ва уни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Асосий мактаблар. Асосий мактаблар халқ мактабларининг юқори синфлари ривожланишидан келиб чиққан ва унга 1964 йили қабул қилинган Гамбург келишуви доирасида шундай ном берилган. Улар дастлаб ўқувчиларни касб-хунар таълимига тайёрлаши лозим бўлган ҳамда амалий ва методик йўналтирувчи умумий ўрта мактаб сифатида намоён бўлган. Германияда ота-оналар ўз болаларини қ-синфдан (Берлинда 7-синфдан) асосий мактабларга боришга изн берадилар.

Асосий мактаблар 9-синф ва баъзи федерал ерларда 10-синф билан тугалланади. Федерал ерларнинг кўпчилиги ўқувчиларга ихтиёрий 10 синфли асосий мактабларни таклиф қилмоқда. Асосий мактабларнинг қарийб 30 фоиз ўқувчилари 10-синфга борадилар. Асосий мактаблар ўқувчиларга амалий касб-хунар таълими учун асос сифатида умумий мактаб таълимини ўргатади.

Реал мактаблар. Реал мактаблар Пруссия ўрта мактабларига тақлид қилган ҳолда гимназия ва халқ мактаблари ўртасидаги “кенгайтирилган умумий таълим олиш” учун ўрта қисм сифатида ташкил этилган. Аввалги даврларда етукликка эришиш учун ўқувчилар реал мактабларга юборилган.

Бундай мактаб шакли юқори малакаларни талаб қилувчи касб-хунар таълимида ўқишни ҳоҳловчи мактаб битирувчилари эҳтиёжини қоплаши лозим.



Реал мактаб 5-, 7-синфдан 10-синфгача бўлган кейинги босқичдаги мактаблар ҳисобланади. Реал мактаблар кенгайтирилган умумий ўрта таълимни беради. Реал мактабни тугатганлиги ҳақида гувоҳнома барча соҳаларда мураккаб бўлган касблар учун умумий асослар ўргатилганлигини билдиради.

Гимназиялар. 1955 йилги Дюссельдорф келишувидан кейин тўлиқ умумий ўрта таълимни берувчи барча мактаблар гимназия деб номланадиган бўлди. Гимназия иккинчи босқич таълимнинг икки турини қамраб олади.

Гимназия умумий ўрта мактабларнинг 9- ёки 8- (5-синфдан 13- ёки 12-синфгача) ёки кейинги 7 та (7-синфдан 13-синфгача) синфларни қамраб олади.

Реал мактабни тугатганлиги ҳақида гувоҳномага эга ўқувчилар учун гимназиялар ҳам мавжуд. Гимназияни тугатганлиги ҳақида гувоҳнома (умумий олий ўқув юртларига кириш ҳақида гувоҳнома) барча олий ўқув юртларида ўқиш учун малакага эга бўлганлиги тўғрисидаги гувоҳнома сифатида амал қилади. 1990 йилдан бошлаб Германия умумий ўрта таълимида ўқувчилар реал мактаб ва асосий мактабларга нисбатан кўпроқ гимназияга бормоқда.

Германияда етуклик аттестатини олиш учун энг тўғри йўл гимназия ҳисобланади ва у касб-ҳунар таълимига, махсус олий ўқув юртларига ёки олий ўқув юртларига тўғридан-тўғри кириш имкониятини беради. Гимназия таълим мазмунининг энг асосий қисми 2 та хорижий тилни эгаллашдан иборат.

Гимназия танлаб олувчи (ажратувчи) мактаб ҳисобланади, яъни ўқувчилар эришган натижалар доимий баҳоланиб борилади ва паст натижа кўрсатган ўқувчиларга бошқа таълим йўли орқали ўқиш имконияти берилади.

Бирлаштирилган мактаблар. Германияда бирлаштирилган мактаблар кўпинча мунозарага тушган мактаб шакли ҳисобланади. Унинг концепцияси турли эҳтиёжларга асосланган ва таълим тизимида кўпроқ имкониятлар беришни кўзда туттади. Бирлаштирилган мактабларнинг икки турлари мавжуд:

- Интеграллашган бирлаштирилган мактаблар
- Кооперациялашган бирлаштирилган мактаблар

Биринчи турдаги бирлаштирилган мактаб 1968 йили Ғарбий Берлинда синов мактаби тариқасида ташкил этилган. Бугунги кунда бутун федерал мамлакат ҳудудида 800 та интеграллашган бирлаштирилган мактаблар мавжуд.

Бошланғич мактабларинг энг яхши битирувчилари, айниқса уларнинг ота-оналари, реал мактаблар ва гимназиялардан бирлаштирилган мактабларни афзал кўрадилар.

## **ФИКР ВА МУЛОҲАЗАЛАР**

Германия таълим тизими бешта олтин қоидага таянади. Германия – жаҳон илм-фани ва маданияти ўчоқларидан бири. Бу мамлакат илдизи асрларга бориб тақалувчи илмий мактаблари, Гёте, Гегел, Бетховен, Нитше, Эйнштейн, Гумболдт сингари олим ва ижодкорлари билан тилга тушган.



Халқаро доирада эътироф этилган олмон таълим даргоҳларида мустақил фикр ҳамда кенг дунёқараш шаклланишига алоҳида эътибор берилади. Таълим тизимига татбиқ этилаётган янги усуллар, сўнгги ахборот технологияларидан унумли фойдаланмаганларга эса жуда қийин. Тараққиёт манзили сари ошиқаётган жамиятда билимсиз ўз ўрнига эга бўлиш амри маҳол. Бундан ташқари немис миллатига хос темир интизом,

бирсўзлилик хислатлари ҳам айнан таълим даргоҳларида шаклланади.

## ХУЛОСА

Германия таълим тизимининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, ўқувчилар бошланғич таълимни тугатгандаёқ келажак йўлини аниқлаб олиши зарур. Ана шунга асосланиб, у бир неча турдаги мактабдан бирида ўқишни давом эттиради.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

- 2.1. Carl-Ludwig Furck, Christoph Führ (Hrsg.): Handbuch der deutschen Bildungsgeschichte. Band VI: 1945 bis zur Gegenwart. München 1998, ISBN 3-406-32467-3.
- 2.2. Christian Starck, Jean Imbert, Helmut Lecheler, René Epp (Hrsg.): Staat, Schule, Kirche in der Bundesrepublik Deutschland und in Frankreich – Etat, Ecole et Eglises en France et en République fédérale d' Allemagne (= Deutsch-Französische Kolloquien Kirche Staat Gesellschaft – Straßburger Kolloquien. Band 3). N.P. Engel Verlag, Kehl am Rhein/ Straßburg 1982, ISBN 3-88357-013-3.
- 2.3. Christoph Führ: Deutsches Bildungswesen seit 1945. Grundzüge und Probleme. Luchterhand, Neuwied, Kriftel, Berlin 1997.
- 2.4. Deutscher Bildungsrat: Empfehlungen der Bildungskommission. Strukturplan für das Bildungswesen. Dt. Bildungsrat, Bad Godesberg 1970.
- 2.5. Döbert, Hans: Deutschland. In: Döbert, Hans: Die Schulsysteme Europas. Schneider-Verlag Hohengehren, Baltmannsweiler 2005.
- 2.6. Eberhard Kessel: Wilhelm von Humboldt: Idee und Wirklichkeit. Stuttgart 1967.